



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ШАНБА
СОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 32 (9268). • 1988 йил 13 февраль • Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 11 февраль куни бўлиб ўтган мажлисида шаҳарлар ва қишлоқ жойларда янги тартибдаги уй-жой қурилишининг жадал ривожлантириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Муҳокама чоғида таъкидланганидек, қурилишнинг бу тури КПСС XXVII съезди ўртага қўйган вазифа — 2000 йилгача ҳар бир совет овласини алоҳида квартира ёки хусусий уй билан таъминлаш вазифасини бажариш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳолбуки, кўпгина иттифоқдош республикаларда, ўлкалар ва областларда янги тартибда уйлар барпо этишга эътибор сусайтириб юборилган. Бу ишда асосиз

чеклашлар ва тақиқлаб қўйишлар жорий этилган эди, янги тартибда иморат қурувчиларга нисбатан ҳамон нотўғри, кўпича эса ёмон муносабатда бўлиб келинмоқда. Маҳаллий органлар ер участкаларини ажратиш, уй-жой қуриш масалаларини ҳал этишда уларга ҳаминча ҳам қўмаклашатирилар, деб бўлмайди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети қабул қилган қарорда меҳнаткашлар учун хусусий турар жойлар қуриш, уларни реконструкциялаш ва ремонт қилишдан корхоналар ҳамда маҳаллий органларнинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш чо-

ралари баён этилган, янги тартибдаги қурилишни кредит билан таъминлашнинг янги анча имтиёзли шартлари белгиланган, бинокорлик материаллари ва асбоб-ускуналарнинг бозор фондларини талай даражада кўпайтириш мўлжалланган. Янги тартибда иморат қурувчиларнинг ширкатларини, ихтисослаштирилган лойиҳа ва қурилиш кооперативларини тузиш, уй-жойларни пудрат ва хўжалик усулларида қуришни кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Сиёсий бюро ҳукуматнинг ташқи иқтисодий фаолият учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни таъминлашга доир таклифларини қўллаб-қувватлади. Ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналар ва ташкилотлар, министрликлар ҳамда идораларнинг ташқи бозорга чиқиши шартотида ташқи иқтисодий фаолият билан шу-

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

10 февраль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг мажлиси бўлди. Г. С. Зайцев номидаги Бутуниттифоқ гўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтини тарбияловчи пахтанинг янги, серхосил навларини тезроқ етиштиришга коллективни сафарбар этиш соҳасидаги ишга оид масала кўриб чиқилди.

Институт партия бюроси (секретари ўртоқ У. Муротов) Ўзбекистон Компартияси XXI съездида селекциячилар шайнига айтилган танқиддан ҳулосалар чиқариб олмаганлиги, коллективни гўзанинг янги навларини жадаллик билан етиштиришга сафарбар этиш ишда актив ва принципиал позицияни эгалламаганлиги таъкид-

ланди. Партбюро ишда институтинг илмий ва ишлаб чиқариш ҳаётидаги етилган проблемаларга жиддий ҳамда синчковлик билан ёндашилмапти, тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш масалалари юзаси ўрганилмоқда, селекциядаги турғунлик сабабларини бартараф этишда манфаатдорлик ва принципиаллик кўрсатилмапти. Қабул қилинмаётган қарорлар ташкилотчилик иши билан мустаҳкамланмапти, ижронинг контрол қилиш қонирсиз йўлга қўйилган. Партия аъзоларининг ҳисоботлари, жумладан, раҳбарларнинг ҳисоботлари онда-сонда расмийлик билан сўз ўтмоқда ва камчиликлари тубдан тугатишга таъсир қилмапти.

(Давоми 2-бетда).

• ЭРТАГА—АЭРОФЛОТ КУНИ.

МАМЛАКАТИМИЗ аэрофлотининг пайдо бўлиши, тараққиёти В. И. Ленин номи билан боғланган. Улуг доҳийнинг таклифи билан Давлат Меҳнат ва Мудофаа Совети 1923 йилда граждан авиациясини ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўз тараққиётининг дастлабки босқичларида турган ҳаво лочинларининг халқ хизматидаги истикболли келажакга шундай асос солинган эди.

Бутунги кунга келиб у республикаимиз ҳаётидан мустаҳкам ўрин олди. Граждан авиациямиз Ўзбекистонни Ватанимиз пойтахти — Москва, бошқа иттифоқдош республикалар пойтахтлари, йirik саноат шаҳарлари ҳамда Қрим, Кавказ ва Болтиқбўйи курорт зоналари билан боғлаб турган энг оммавий транспорт турларидан бири бўлиб қолди.

Йилдан-йилга эса яна янги-янги линиялар ташкил қилиниб, республикаимиз шаҳарлари ўртасидаги ҳаво йўлларининг тармоқлари тобора ортиб бормоқда. Утган 1987 йилда республика граждан авиацияси бошқармаси коллективлари барча кўрсаткичлар бўйича социалистик мажбуриятларини муваффақиятли удаладилар. Самолётлардаги йўловчи ўринларининг бандлиги 91,4 процентни ташкил этди. Бу 1986 йилдагидан 0,5 процент ортиқдир.

Бундай юксалишга қўшимча харажат ва ёнилғи сарфламай, самолётларнинг юк кўтармиш ҳамда йўловчи олиш имкониятидан унутилмай фойдаланиш асосида эришилди. Бу ва амалга оширилган бошқа ташкилий-техникавий тадбирлар қўшимча 4,5 миллион сўмлик фойда олиш, тонне-километр нархни 3,3 процент арзонлаштиришга ёрдам берди.

Авиацияимизнинг 65 йиллиги арафасида коллективимиз ҳаётида яна бир муҳим янгиллик



содир бўлди. Йил бошидан хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шартларида ишлаб бoшладик. Бу бизнинг аҳолига намунали хизмат кўрсатишга бўлган масъулиятимизни янада оширади.

Шу мақсадда баъзан бир ишларни амалга оширмоқдамиз. Масалан, 1988 йилда Тошкент — Симферополь линияси бўйича учувчи ИЛ—62 самолётлари ИЛ—86 самолётлари билан алмаштирилади.

Бошқармада ҳозирги пайтда Тошкент — Қўбул, Тошкент — Варна линияларида халқаро рейслар ҳам амалга оширилмоқда. Бу линияларда учирейслари бундан кейин кўпайтириб борилади. Шу кунларда Тошкент — Берлин, Тошкент — Хельсинки ва Тошкент — Прага рейсларини ташкил қилиш устида иш олиб бoрилмақда.

Бу йил республикаимиз аэрофлот хизматчилари 5 миллион нафардан ортиқ йўловчига

хизмат кўрсатишлари керак. Авиаторларимиз ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йилни яхши якунлаш, Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини муносиб кутиб олиш учун бутун тажрибаси, маҳоратини аямай, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаверадилар.

М. АБДУЛЛАЖОНОВ,
Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармаси сиёсий бўлими бошлиғи.



Суратларда: ўз анъанавий байрамими муносиб совғалар билан кутиб олаётган ИЛ-86 самолёти экипажи командири Шоолим Мақсудов (юқорида чапдан) ва иккинчи учувчи Сарсенгали Акоев; Тошкент аэропортида (пасда); борт проводниги Ирина Точилина.

А. Зуфаров фотолари.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

(Бош 1-бетда)

гулланувчи кадрлар малакасини ошириш проблемасини ҳал қилиш ушбу соҳада турган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун муҳим аҳамиятга эга. СССРда ташқи иқтисодий алоқаларни бошқариш янги механизмини, жаҳон эконимиксининг ҳозирги шарт-шароитларини, бу соҳада чет элларда тўп-ланган илгор тажрибани эътиборга олиб, ташқи иқтисодий фаолият мутахассисларини тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш назарда тутилмоқда.

СССР Олий Советининг 1987 йилдаги фаолияти якунлари тўғрисида А. А. Громикоининг ахбороти тингланди. Сиёсий бюро шунинг қайд этиб ўтдики, мамлакат давлат ҳокимияти Олий органи, унинг Президиуми, палаталарининг доимий комиссиялари ишнинг асосий мазмунини партиянинг қайта қуришга ва социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга, давлат турмуши ҳамда ижтимоий ҳаётни кенг миқёсда демократиялашга, ошқораликни кенгайтиришга қаратилган стратегик йўлни рўй-ба қиқаришдан иборат

бўлди. Қонуларни такомиллаштириш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустақамлаш соҳасидаги ишлар изчиллик билан олиб борилади. СССР Олий Советининг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолияти аниқ мақсадли кўзлаб амалга оширилди.

Барча погоналардаги советларга раҳбарлиқни янада кучайтириш, уларнинг куч-қайратларини партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари ўртага қўйган вазифаларни амалда рўйба қиқаришга, ўз территорияларининг комплекс ривожлантирилишини таъминлашга, кучли социал сиёсатни ўтказишга, ўзларига ҳисоб бериб турувчи органларнинг иши устидан контролни кучайтиришга бутун чоралар билан сафарбар этиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Колхозчиларнинг туртинчи Бутуниттифоқ съездида қандай тайёргарлик қўриладигани тўғрисидаги ахборот тингланди. Съезд 1988 йилнинг 23—25 март кунлари ўтказилди. Тайёргарлик ишлари якуновчи босқичга кирганлиги таъкидланди. Колхозчиларнинг йигилишлари, конференция ва

съездлари ўтказилиб, уларда 4.4 минг делегат сайланди. Кенг демократия шароитида қолхоз намунавий устави лойиҳасини манфаатдорлик билан муҳокама қилиш давом этмоқда.

1989 йил январидан ўтказилган Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатида тайёргарлик юзасидан ҳукумат белгиланган амалий тадбирлар қўллаб-қувватланди. Аҳоли рўйхати мамлакатни социал ва иқтисодий жиҳатдан тараққиёт этириш учун зарур бўлган статистика маълумотларини олиш имконини берди.

Сиёсий бюро КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия Контроли комитетининг 1987 йилги иш якунларини муҳокама қилиб, маълумлади. Мажлисида партия ва давлат интиминоми мустақамлашга, партия ташкилотлари турмуши ва фаолиятида ўзаро қатъий талабчанлик муҳитини қарор топтиришга партия контролининг таъсири ошганлиги қайд этиб ўтилди. Гоявий-маънавий ҳуқуқ-аъво нормаларига риоя этилиши учун коммунистларга нисбатан талабчанлик кучайтирилди.

Қайта қуришнинг янги босқичида партия контроли ор-

ганлари партия қарорларининг ижросини текшириш борасидаги ўз ишларини бундан буюн ҳам такомиллаштиришлари, демократиялаш ва ошқоралик жараёнини чуқурлаштиришга қўмаклашувчилари, буйруқбозлик — маъмуриятчилик методларига барҳам бериш ҳамда кадрлар фаолиятида чинкам ленинча раҳбарлик принципларини қарор топтиришлари учун сабот билан курашишлари лозим.

М. С. Горбачевнинг Индонезия ташқи ишлар министри М. Кусума-Атмажа билан учрашуви ҳамда Э. А. Шеварднадзеининг у билан олиб борган музокараларининг якунлари маълумланди. Осиё — Тинч океан регионидеги тинчлик ва ҳавфсизликни мустақамлаш, ер юзининг шу қисмида сиёсий муҳитни соғломлаштириш борасидаги Совет-Индонезия мулоқоти чуқурлаштириш муҳимлиги ўқитиб ўтилди. Совет томони барча соҳаларда, шу жумладан ўзаро манфаатдорлик асосида товар айирболашни қўлайлаштириш ва иқтисодий ҳамкорлигини йўлга қўйиш соҳасида СССР билан Индонезия ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш учун қўмаклашувчи тайёр эканлиги таъкидланди.

Мажлисида М. С. Горбачев ва А. А. Громикоининг ПБП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР ташқи ишлар министри М. Ожеховский билан ўтказган

суҳбатлари ҳамда Э. А. Шеварднадзеининг у билан олиб борган музокараларининг якунлари қўриб чиқилиб, маълумланди. Сиёсат, экономика ва идеология соҳасидаги Совет-Польша ҳамкорлиги бўлиши ҳамда изчиллик билан муттасил ривожланиб, янги мазмун билан бойиб бораётганилиги, шаклан такомиллаштирилаётганилиги мамнуний билан қайд этилди. Халқаро масалалар ҳусусида КПСС билан ПБПнинг қарашлари бирлиги таъкидланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси М. С. Горбачевнинг ГФРдаги Баден-Вюртемберг ўлкаси баш министри, христиан-демократик иттифоқ партияси раисининг ўринбосари Л. Шпёт билан учрашуви натижаларини маълумлади. СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатлар янги босқичга чиқа бошлаганилиги қайд этиб ўтилди. Ўзоқ мудатли иқтисодий ва маданий алоқаларнинг барқарор структурасини вужудга келтириш Совет-Германия Германия муносабатларида ижобий жараёнларнинг кучайишига қўмаклашган ва, шу тариқа, бутун Европада умумсиёсий муҳитни яхшилаш имконини берган бўлур эди.

Марказий Комитет Сиёсий бюроси ички ва ташқи сиёсат соҳасида партия XXVII съезди қабул қилган қарорларни рўйба қиқаришга доир бошқа баъзи масалаларни ҳам муҳокама этди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

(Давом. Бош 1-бетда)

Чатижада институт бўлимларида хотиржамлик ва белгилек вазияти вужудга келди. Раҳбарлар ва олимлар пахтачиликдаги ишларнинг аҳоли учун шахсий жавобгарлик туйғусини йўқотиб қўйишган, тўроқ ҳолда самарасиз ишламоқдалар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришдан ажраллиб қолишган. Беш йиллик бошидан бери тадқиқотларга 2 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Аммо яратилган навлар ва ирсиятларнинг 95 проценти рақобатга қодир бўлмади. Ўтган йили давлат нав синовига биронта ҳам гўза нави топширилмади.

1988 йилда нав синовини ўтказишга мўлжалланган 6 навиинг 4 таси давлат стандарти талабларига жавоб бермапти. Республикадаги пахта дала-ларининг тўртдан бир қисминда камроғига институтда етиштирилган гўза навлари экилмоқда. Институт селекция соҳасида эмас, гўза уруғчилиги соҳасида ҳам етакчилик ролидан маҳрум бўлиб қолди. Элита — уруғчилик хўжаликларининг фаолияти институт назаридан четда бўлганлиги сабабли мазкур хўжаликларнинг иши бўлашиб кетди. Айни вақтда тадқиқотларнинг самарасизлиги, олимларнинг илм ботида виждонан иш қилмаётганилиги фактларига институт партия бюросининг қайта қуришга раҳбарлик тўғрисидаги ҳисоботи муҳокама қилинмаганди. Партия бюросининг секретари ўртоқ У. Муротов докладыда ва коммунистларнинг нутқларида номларини айтиб принципал танқид ва ўз-ўзини танқид бўлмади, гўза селекцияси ва уруғчилигида тартиб ўрнатиш юзасидан амалий тақлифлар айтилмади.

Партия бюроси, аслида, маъмурият фаолиятини контрол қилиш ҳуқуқидан фойдаланма-пти, дирекция тажриба хўжаликларга раҳбарлик қилмай қўйганлиги, институтнинг моддий-техника базасини мустақамлаш тўғрисида, тадқиқот-

ларни замонавий илмий ва техникавий негизга ўтказиш ҳақида жон куйдираётганлиги билан мурося қилмоқда. Куч ва маблағларни кўп йўналишларга сарфлаб юбориш давом этимоқда, ходимлар меҳнатини рағбатлантириш пировард натижаларга боглик қилиб қўйилмаган. Ходимларнинг кўпчилиги илм-фандаги иқтисодий ислохот қондаларидан беҳабар, партиявий ва профессионал ўқув чоғида шу қондалар ўргатилмапти. Илмий кенгаш танқиддан ҳоли қилиб қўйилган, мазкур кенгаш ташаббус-сиз, суст ишламоқда, қайта қуришни ташкил этишга қодир эмас. Илмий кенгаш бўлимларининг ишини дуруст мувофиқлаштирмапти, уларнинг куч-қайратини селекциянинг янги ноанъанавий методларини ўзлаштиришга жамламапти.

Партия бюроси кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишда ўзининг қатъий позициясини белгиллаб олган, бу ишда жиддий нуқсонларга йўл қўйилган. Юқориқўла лавозимларга кўтариш учун резерва рўйхати расмийат учунгина тузилган, бу резерва эл олимлар ва мутахассислар ҳисоби-га кучларни тўлдириб боришни таъминламапти, кенсалимий ходимлар кўпайиб бормоқда. Илмий кадрлар қонқарсиз тайёрланмоқда, сўнгги 10 йил мобайнида ўқишга кирганларнинг ярмидан камроғи диссертация ёқлаб, аспирантурага тугатди, шулардан фақат бир киши диссертацияни белгиланган муддатда ёқлади. Кадрлар билан ишлашда демократия ва ошқоралик кенг қўлам касб этмади, раҳбарлик лавозимларига сайлов ўтказилаётганида меҳнат коллективининг фикри инобатга олинмапти. Партия кучларини жой-жойига қўйишга зарур даражада аҳамият берилмаганди йўқ, институтдаги ҳар беш бўли-мдан биттасида коммунистлар йўқ, лабораторияларнинг тенг ярмига партиясизлар бошчилилик қилмоқдалар.

Йигилиб қолган муаммолар-

ни ҳал этишда халқ контроли группаси, касба союзу ва комсомол ташкилотларининг роли пасайтириб юборилди. Гоявий-сиёсий ва тарбиявий ишни ташкил этишда жуда катта камчиликлар бор, партия бюросининг аъзолари, жумладан, раҳбар — коммунистлар мазкур ишда фаол иштирок этишмапти.

Оржоникидзе район партия комитети институт партия ташкилотидеги ишларнинг аҳолини пухта билмайд, у коллективда аҳил иқодий меҳнат қилиш учун вазият яратишга, олимларни пахтачиликдаги ўткир муаммоларни ҳал этишга сафарбар қилишга кам этиб-бор бермоқда. ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлими ўзини институтга раҳбарликдан четга олди.

Қабул қилинган қарорда Г. С. Зайцев номидаги Бутуниттифоқ гўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институт партия бюросининг коллективни гўзанинг янги серхосил навларини жадал еттиштиришга сафарбар этиш юзасидан олиб бораётган иш қонқарсиз, деб топилди. Мазкур қарорини институтнинг умумий партия йигилишида ва илмий кенгашда муҳокама қилиш, тадқиқотлар планларининг барбод бўлишига ва давлат маблағларининг самарасиз фойдаланилишига йўл қўйган коммунист-раҳбарларга муносиб баҳо бериш тавсия этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси партия бюроси зиммасига институт дирекцияси билан биргаликда аниқланган камчиликларни тугатиш юзасидан биринчи навбатдаги чора-тадбирлар сифатида 1988 йилнинг биринчи кварталда институтнинг тематик плани ва структурасини қайта қўриб чиқиш, тадқиқотларнинг тақдорланлишига барҳам бериш учун ходимлар сонни кам бўлган ва параллел ишлаётган селекция лабораториялари ҳамда группаларини хўжалик ҳисобидеги йирик бўлимларга қўйиш, илмий ва

техникавий потенциални гўзанинг янги навларини яратишдек асосий вазифани ҳал этишга жамлаш мажбуриятини юкллади. Амалий селекция лабораториялари ва назарий масалалар билан банд бўлган лабораториялар ўртасидаги ҳамкорлигининг ўзаро фойдалаи формалари ишлаб чиқилиб жорий этилсин, ушбу коллективлар меҳнатига ҳақ тўлаш пировард натижаларга бево-сита боглик қилиб қўйилсин. Кадрларнинг билимдонлиги ва тайёргарлик даражасини, уларнинг селекция тараққиёти вазифаларини ҳал этишга қодирлигини аниқлаш мақсадида илмий ходимлар аттестациядан ўтказилсин, малакасиз ва инсофсиз ходимлардан қатъий ҳоли бўлинсин. Аттестация комиссияси ишига республиканинг етакчи селекциячилари ва мутахассислари жалб этилсин, бу муҳим ишда расмийатчиликка йўл қўйилмасин.

Партия бюросига, ҳеч партия ташкилотларига куч-қайратларни коллективда иқодий-изланиш, тадқиқотларнинг юксак даражада бўли-шини таъминлаш учун ўзаро талабчанлик ва масъулият ҳис-сини сезиш вазиятини вужудга келтиришга, пахтачиликда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга жамлаш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Коммунистларнинг ҳисоботлари, улар билан ўтказилаётган суҳбатлар коллектив олдидан турган вазифаларни ҳал этишда уларнинг авангардлик ролини таъминлашга, ҳар бир ходим ўзининг хизмат бурчини намунали бажаришга қаратилсин.

Институт дирекциясига илмий тадқиқотларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарили-ши учун илмий ва мувофиқлаштирувчи кенгашлар аъзо-ларига талабчанлигини оши-риш тавсия этилди, биринчи ярим йиллик мобайнида бу кенгашлар состави энг обрў-ли ва принципал олимлар билан мустақамлансин. 1988 йилнинг биринчи ярмида «Гў-

за селекцияси ва уруғчилиги» илмий ишлаб чиқариш бир-лашмасини ташкил этиш ниятисига етказилсин, йил охиригача «Фитотрон» селекция комплексининг қу-ва-ти ишга солинсин, шу асос-да селекция жараёнининг қисқартирилиши, ўсиш даври 110—115 кун давом этадиган, ўртача тола берадиган на-вларнинг ҳосилдорлиги гектар бошига 50 центнерга, ингичка тола берадиган навларнинг ҳосилдорлиги 40—45 центне-рга етадиган гўзанинг прин-ципал янги навларини 1995 йилгача яратиш таъминлансин. 1989 йилда синаш учун тола-сининг типлари турлича бўл-ган гўзанинг камиде-бита нави топширилсин. Ўзбеки-стон ССР Агросаноат давлат комитетига, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимига ана шу маса-лаларни тезроқ ҳал этишда институтга ёрдам бериш топ-ширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси партия ташкилотли секретари ўртоқ У. Муротовга, институт директори ўртоқ А. Эгамбер-диевга коллективнинг илмий ҳаётидаги тургунлик ҳолатла-рини бартараф этишда шах-сан ташаббусчиллик ва сўст-кашлик қилишбаётганини кўр-сатиб ўтди ва институт иши-ни қайта қуриш учун шахсан жавобгар эканликлари тў-ғрисида уларни огоҳлантирди.

Оржоникидзе район партия комитетига институт партия бюроси раҳбариятини мустақамлаш, ташкилотчилик ва сиёсий ишни қайта қури-шда унга конкрет ёрдам бе-риш тавсия этилди.

Ўзбекистон ССР Министр-лар Советига етакчи олимлар ва мутахассисларни жалб этиб, селекция ва уруғчиликдаги ишларнинг аҳолини пухта ўрганиб чиқиш, талаб этила-ётган хўжаликбоп — қиммат-ли хусусиятларга эга бўлган гўзанинг янги навларини жа-дал еттиштириш чора-тадбир-ларини ишлаб чиқиш, селе-кция соҳасида тадқиқотлар олиб бораётган республика-даги бартара илмий муассаса-ларнинг куч ва маблағларини ана шу проблемани ҳал этиш-га жамлаш топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси мажлисида бошқа айрим маса-лалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қа-рорлар қабул қилинди.



МУДОФАА-ОММАВИЙ ИШЛАР ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

СОВЕТ АРМИЯСИ ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган мудофаа-оммавий ишлар ойлиги давом этмоқда. Ойликнинг қандай ўтаётганлиги ҳақида муҳбиримизга Фрунзе район комсомол комитети мудофаа-оммавий ишлар бўлими мудир **Сергей Ситников** маълум қилди:

Ҳозир армияга қақирлиувчилар ва ўсмирлар ўртасида ойлик программаси доирасида спортнинг сақини тури бўйича спартакиада мусобақалари давом этаётган. Ёшлар автоматлари қисмларга ажратилиш ва йиғилиш ўрганоқдалар. Гимнастика, тош кўтариш, 100 метрга югуриш бўйича бахslashмоқдалар. Спаркиададан сўнгги босқичида босмачиларга қарши кураш қаҳрамонларидан ҳисобланган комсомол қиз **Майна Ҳасанова** хотирасига бағишлаб ўтказиладиган кроссга шарт берилди.

Билим юрлари ва меҳнат коллективларида Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ҳамда жангчи-интернационаллар билан қизиқarli учрашувлар ҳам бўлиб ўтаётган. Яқинда 7-ихтисослашган ҳунар-техника билим юртида бўлган

шундай учрашув охирида бир гуруҳ аълочи ўқувчилар тантанали равишда комсомол сафига қабул қилинди.

Мирзахон Назаров, **Дмитрий Зайнуллин**, **Абдулла Махсиров** каби жангчи-интернационаллар кўпгина учрашувларнинг ташкилотчилари бўлмоқдалар. Афғонистонда хизмат қилиб келган жангчиларнинг ўз кенгашлари тузилган. Кенгаш қарори билан ҳар бир собиқ жангчи маълум ўқув юртига ёки меҳнат коллективига берилиб қўйилган. Улар учрашувларда ўзлари ва қуролдош дўстлари босиб ўтган жанговар йўл ҳақида ёшларга сўзлаб бермоқдалар.

Дўст Афғонистон тупроғида осойишталик ўрнатилган йўлида бир қатор жангчиларимиз жонларини фидо қилдилар. Улардан

Раҳмон Муҳамедов, **Абдулла Алиматов** кўрсатган қаҳрамонликлари учун **Қизил Юлдуз** ордени билан тақдирланган эдилар. **Роман Мангати**н хотирасига эса «Силикат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида махсус жанговар бурчак ташкил этилди. Қаҳрамонлар ҳаммаша ёдимизда. Уларнинг оилаларида тез-тез бўлиб қўлимиздан келган ёрдамни кўрсатмоқдамиз.

Театр ва рассомлик санъати институти студентлари оталиққа олинган болалар уйларида бўлиб, маданий хизмат кўрсатмоқдалар, совга-саломлар тақдим этмоқдалар. Ўтказиладиган тадбирлардан ёшлар гойат мамнун бўлмоқдалар.

Ҳозирги кунда жангчи-интернационаллар учун махсус клуб ташкил қилинаётир. Космонавтлар проспектида қўрилган уйлاردан клуб учун жой ажратилди. Ўқувчилар ишларини ёшларнинг ўзлари олиб боришга, Ойлик давомиде шунга ўхшаш яна кўпгина тадбирлар амалга оширилади.

МУҚАДДАС БУРЧ

ТАШАББУС ҚУЛОЧ ЕНСИН

ЎЗИМИЗ ҚУРАМИЗ,
ЎЗИМИЗ ЯШАЙМИЗ

ОҚҚУРҒОН районидagi **С. Сегизбоев** номи совхозда турар-жой муаммоси кескинлигича қолмоқда. Ишчи-хизматчилар, шу жумладан ёшлар ҳам уй олиш учун кўп йиллардан бери навбатда турибдилар. Хўжалиқдаги бу муаммони ҳал этиш мумкинми?

— Ҳа, — деб жавоб беришди комсомол-ёшлар, — уйлари ўзимиз қураимиз ва уларда ўзимиз яшаймиз.

Утган йил баҳориде Совет Армияси сафига ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 70 нафар комсомол-ёшлардан иборат қурилиш отряди иш бошлади. Йигитлар совхоз маъмурияти билан турар-жойлар, маданий-манший муассасалар қуриш учун шартнома тузганди.

Олдинги қурилиш материаллари вақтида етиб келмай ишнинг белига тепди. Шундан сўнг ёшлар совхоз ёнати заводнинг ҳам ўз тасарруфларига олдилар. Отряддаги 4 та бригададан 3 таси қурилишда меҳнат қилса, биттаси заводда ишлай бошлади. Шундай қилиб, йил охиригача 8 та турар-жой биноси қуриб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари чойхона ва 3 та новвойхона ҳам қуриб битказилди.

Отрядга уста бинокер **Турғун Бекмуродов** етакчилиги қилапти. **Михаил Сметанин**, **Шавкат Бобоҳўжаев** бошлиқ бригадалар эса отряднинг етакчи коллективларидир.

Бу йил отряд коллективи 10 та уй қуриб беришга аҳд қилган.

М. МАВЛОНОВ,
ТошДУ студенти.

ЁШ ЮРИСТЛАР КЛУБИ

Тошкентдаги 205-мактабда ҳуқуқ лекторийси ишлай бошлади. Уни ташкил этишда 7-синф ўқувчилари **Н. Прокошева** ва **В. Кан** ташаббус кўрсатдилар. Қизлар ўз тенгдошлари билан биргаликда ўсмирларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари ҳақида суҳбатлар уюштирадиган, бу суҳбатларни олиб бориш учун тажрибали юристларни таклиф этадилар.

Ҳар иккала қиз Тошкент пионерлар саройи ҳузурида иш олиб бораётган «Ёш юрист» шахар клуби активларидир. Клубга аъзо бўлган ташаббускорлар Тошкент мактабларида ҳуқуқий билимларни кенг тарғиб қилмоқдалар. Клубда шугулланаётган болалар назарий машғулотлардан ташқари, амалий иш ҳам олиб борадилар.

(ЎЗАТАГ мухбири).



СТУДЕНТЛАР ЁТОҚХОНАЛАРИНИ КЕЗГАНДА

ЁЗДА ҚАЁҚДА
ЭДИНГИЗ?

Ҳамқишлоқ студент жўраларимизни табриклар қўйиш баҳона бўлди-ю, Тошкент Политехника институтининг 14, 25, 26, 27, 29-ётоқхоналарига бирин-кетин қадам ранжида қилишга қарор қилдик. Бунинг қаранг-ки, аксига олиб, уларнинг кўпчилигида ремонт ишлари кетаётган экан.

— Маъзур тутасизлар, туғилган куним бошқа вақтга қолдирилди, — деди бир дўстимиз бизни кўриб қўйиб бўлиб. — Хонага кириш мумкин эмас. Ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб ётибди. Сабаби, ремонт. Азаматларнинг топган вақтини қаранг. Шунча ёзги таътиллари ўтиб кетиб, ремонтни қишга тақаб қўйишибди.

Биз кон-металлургия факультети студентлари истиқомат қилаётган 14-ётоқхонанинг 5-қаватига кўтарилдик. Хоналарга кириб деворларга рангли қоғоз ёпиштираётган, турли слесарлик-сантехниклик ишларини олиб бораётган, мойли-бўёқ чўтқа ушлаган қурувчилар билан танишишга ошқандик.

— Кечирасиз, биз қурувчилар эмас, студентларимиз, — дейишди талабалардан **М. Сулаймонов**, **С. Номозов**, **А. Боситова**, **В. Муслимовалар** барабарига. — Гапнинг ростми, мутасадди ўртоқлар бизнинг ишларини бошлаб бердик, буғини ўзларинг давом эттираверинглар, деб ҳамма ишни ташлаб кетишган.

Ётоқхона студентлар советининг раиси **Равшан Усмонов** билан бино қаватларини айландик. Коридорлар бахисоли «ўрдёккўлни» эслатади. Ҳамма ёқ жикқа хўл, тепадан чакка томчилаб турибди, очилса

ёпилмайдиган, ёпилса очилмайдиган деразалар, синиқ эшиклар, шалағи чиққан стол-стуллар тартибсиз уйиб ташланган.

— Аслини сўрасангиз, — дейди **Р. Усмонов**, — ётоқхона капитал ремонтга муҳтож. Аммо, уни ремонт қилиш ишлари уч-тўрт йилдан буён ниҳоясига етказилмапти. Бу ерде 600 талаба истиқомат қилади. Шароит эса, мутлақо талабга жавоб бермайди. 70 та умивальник ва санузелдан бор-йўғи 10—15 тасигина нардан — бери ишлаб турибди. 4—5 қаватларда эса ҳатто иссиқ-совуқ сув ҳам йўқ. Ўқув зали, Ленин хонаси бутунлай бекитилган. Радио ва телевизоримиз бор-у, бироқ электр энергия йўқлиги туфайли ундан фойдаланишнинг иломи бўлмапти. Институтни-ку қўяверинг, факультет комсомол комитетидегилар ҳам бизнинг ҳолимаздан камдан-кам хабар олишади. Келганда ҳам ётоқхонанинг ташқи жамолини кўриб, остонадан ичкари кирмай кетаверишади.

Бу гапларни эшитгандан сўнг ҳўроз ҳамма жойда бирдай қичқиради, деган нақлга амал қилиб, бошқа ётоқхоналардаги дўстларимизнигизга бормай қўяқолдик. Ростда, аҳвол шундай бўлгандан кейин кўнглига туғилган кун, шод-хуррамлик сифаримиди. Биз институт комсомол комитети, партия ташкилоти, ректорати ётоқхоналардаги бундай салбий ҳоллар ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўришди, деган умиддамиз.

Ҳ. САИДОВ,
М. МАМАТНОЗИМОВ,
ТошДУ журналистика факультети студентлари.

ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

Мамлакатимизда интернационал ҳаракатнинг ривожланиши проблемалари билан қизиқувчи ёшларни интернационал ҳаракатни координация қилувчи Москва кенгаши аъзоси **Татьяна ГОРБОВАЯ** билан бўлади.

ган учрашувга таклиф этамиз.

Учрашув 15 февраль соат 17 да шахар «Билимлар уйи»да бўлади. 33-08-69, 33-36-13 телефонлари орқали зарур маълумотлар олишингиз мумкин.

Тошкент область комсомол комитетининг пропаганда ва маданий-оммавий ишлар бўлими.

Яқинда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетиде ёш ижодкорлар билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда бугунги қайта қуриш, жадаллаштириш даврида ёшларни тўқилантираётган масалалар, шунингдек, ёш ижодкорлар билан ишлаш, уларнинг турмуши ва маданий-манший шарт-шароитларини яхшилашга қаратилган кўпгина ақтуал социал масалалар ҳақида фикр-мулоҳазалар айтилди. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, шонр Омон Матжон, ёзувчи Худойберди Тўхтабоевлар ана шунлар ҳақида гапиришди. Суратда: учрашув қатнашчиларидан бир гуруҳласини кўриб турибсиз.

Э. Ботиров фотоси.

• Социал масалалар бўлимида • Социал масалалар бўлимида •

АНГРЕН шаҳар «Кўк-терак» кўчасининг икки томонида яшовчи кўздек қўш-нилар — Ғулом Маматов билан Фотима Раҳматуллаева ўртасига нифоқ тушди. Қўшни қариндошдан яқин, дейишди. Булар эса ҳар тонг саломлашиб, ҳар оқшом бир-бирига хайрлик кеч тилаш ўрнига, бир-бирига ўлим тилайдиган бўлиб қолишди. Нега? Бу-га Ғулом сабабчи. У Фоти-манинг дарвозаси ёнидаги бўш ерга қўлдан бўён кўз-тиқиб келган. Қўнларнинг биринди: «Фотима, сенинг ховлиг катта бу ерни мен-га бер, гараж қўраман» деди.

— Ховлим катта бўлса оилам ҳам катта, — рад-жавоб қилди Фотима. Шу бўлди-ю, Ғулом тў-нини тескари қийиб олди. У Фотимага таъйиқ ўтказ-диган, ҳар хил бахоналар билан ҳақорат қиладиган, ўдағайлаб мушт кўтарди-ган бўлиб қолди. Бу ҳол узок давом этди ва ниҳоят Ғуломнинг қалбида қайна-ган жоҳиллик қуни етиб ёрилди.

Утган йилнинг 22 июли соат 12 эди. Шаҳардаги 3-уй-жой бошқармасида фаррош бўлиб ишловчи, етти фарзанднинг онаси, бева аёл Фотима Раҳматуллаева ишдан келди. У ховлидаги тандирнинг кў-чиб кетган сувоқларини янгилаш учун болаларига лой қоришни буюради. Унинг ўн тўрт яшар ўғли Хусан билан қизи Фарида эгизаклар ва ўн икки яшар ўғли Дилмуродлар лойга ишлатиш учун дарвоза та-шқарисига тўкилган қишқ-ни юпга сола бошлайдилар. Фотима ўз чегарасига қу-рилган қрандан сув оқизиш учун шланг қўтариб чиқади ва уни ерга ташлайди. Шу вақт кўчаннинг нариги бетидан ўтиб келган Ғулом (у, Ангрэн кўмир разрезиди экскаватор машинистининг ёрдамчиси бўлиб ишлайди) дағдаға қилиб: «Мен юви-моқчи бўлганимда нима учун қранга шланг қий-дирасан», деб бақиради ва

журакда турмайдиган сўз-лар билан ҳақорат қилади. Бундан олдин ҳам Ғулом-нинг ўзи шу қранда юви-ниб, хотини кир чайиб, ҳат-то идиш-товоқларига та-ювади-ю, яна Фотиманинг жигига тегиш учун: «Нега сен бу ерга магзава тўка-сан», деб бақирарди.

Ғулом Маматов ўша кунги ҳақорат билан қаноат-ланмади. Фотиманинг ёқа-сидан бўғиб, уриб йиқи-тади ва кўкрагига ми-ниб олиб, унинг юз-кўзига мушт билан ура бошлади. Фотида додлаб ёрдам сў-рагандагина унинг ўғли Ху-сан келиб Ғуломни онаси-нинг устидан тортиб йиқи-тади. Ғулом энди Фотима-ни қўйиб, Хусанга ёпиша-

орқаси билан уриб синди-рган эмиш.

Хусанни терговга чақи-ришди. Терговчи у билан қў-пол муомалада бўлди. Ху-санни ҳақорат қилиб «Бол-танинг орқаси билан ур-ганман» деб бўйинига ола-сан дейди. Хусан йўқ нарса-ни бўйига олмайди, болта йўқ эди, дейди. Терговчи унинг юзига тасари уриб, мажбур қилади. Хусан сўзидан қайтмайди. Тер-говчи бу ҳаракати учун жа-зо-ланганини ҳисобга олиб, унинг фамилиясини ёзма-дик. Шунга қарамай, тер-гов протоколига болта — совуқ қурол илова қили-нибди.

Шундай терговларнинг биринди Фотида ҳам ўзининг жабрланганлиги ҳақидаги

крани ҳамма учун-ку.

— Кейин нима бўлди?

— Шундай келувдим, қранга шланг қийдириб қўйишбди. Нима учун шланг қийдирасан десам, балого қолдим. Хусан кели-либ мени ура кетди.

— Нима билан урди?

— Болтанинг орқаси билан...

— Улар лой қоришмоқчи экан. Лойхонада белкуррак ёки кетмон бўлиши мумкин.

— У ерда болта нима қилади?

— Билмайман, кўзим тушгандай бўлувди.

Сўнг Маматовнинг хотини Вуҳожар кўрсатма берди.

Суд райси ҳар бир гувоҳ-

вургаси синган, оёқлари ва елкаси лат еган экан. Кас-салхонада даволаниб чиққан бўлса ҳам унинг асорати оқибатда касалхонага тез-тез тушадиган бўлиб қол-ган. Бу далиллар ҳимоячи Юсупованинг «Маматов касалхонада ётганлиги ту-файли 250 сўмлик-йиллик имтиёздан қуруқ қолди. Бу пулни Хусаннинг ола-сидан ундириб бериш ке-рак» деган даъвосини пуч-га чиқазди.

Булардан ташқари, Ху-саннинг делосига илова қилинган қўпгина ҳужжат-лар, айниқса, маҳалла ко-митетидан йигирма киши имзо чекиб йўллаган хат боланинг айбонлигини, ҳамма аёб Ғуломда экани-ни исботлаб туради.

Суд айбдорларнинг сўнгги сўзларидан сўнг ҳукм чи-қарди. Унда Хусан Мусур-монович Раҳматуллаев айб-сиз деб топилди. Барча жанжалларнинг ташилот-чиси Ғулом Маматов ўз ишхонасида ахлоқ тузагиш учун бир йил шартли жа-зога ҳукм қилинди. Энди шу муддат мобайнида унинг ҳар ойлик иш ҳақидан йи-гирма проценти давлат ҳи-собига ўтказиб турилади.

Шундай қилиб гаразғўй, тухматчи Ғулом Маматов ҳақли жазага учради. Ҳақ жойига қарор топди. Би-роқ...

Бу хунук воқеа киши қалбига оғир, нохуш таас-сурот қолдиради. Ахир кўз-дай қўшниллар шу даражага бориши шартми? Шу жанжалларнинг тўб сабаб-чиси — бир нарча ерга Ғулом шунчалар зормиди? Бунинг ўрнига, жужабирдай оилани тебратётган бева аёлга, онаг эркак киши қўлидан келган ёрдамнинг бериб туриши лозим эмас-ми?

Инсонлик, инсонийлик қо-нунлари шунга тақозо эта-ди-ку! Одам умри — тарих гилдиратади бир лаҳза, хо-лос. Афсуски, мана шу лаҳ-зани яхшиликка, эзгуликка сарфлаш ҳақида ҳар ким ҳам ўйлавермайди...

А. УБАЙДУЛЛАЕВ,
СССР Ёзувчилар союзи-нинг аъзоси.



ОҚИБАТ

ди, бошига тош билан ура-ди. Фақат Хусаннинг ука-лари чувиллашиб йиғлаш-гандагина Ғулом ўзини четга олиб, уйнинг ёнига бориб ўлтиради.

Юз-кўзи шишган кўкар-ган Фотида оғриққа чида-май поликлиникага кетади. Уни сезган Ғулом ўзича «Тез ёрдам» чақиртиради. Бу ерга етиб келган меди-кал Ғуломнинг тимдаланган бетига йод суркаб, қайтиб кетишади. Шундан бир ҳафта ўтди. Шу давр ичида врачлар Фотимага экспе-ртиза хулосасини топшириб қўйишди. Бундан хабар топган Ғулом «Мен бил-май юрган эканман, менинг қовурғам синган экан» деб касалхонага ётади ва спра-ка олишга эришади. Кейин «кўрққан олдин мушт кў-тарар» қабилида Фотима-нинг ўғли Хусанни судга беради. Гўё Хусан Ғулом-нинг қовурғасини болтанинг

экспертиза хулосасини топ-ширади. Оқибатда терговчи Хусанга жиноят кодексин-инг 88-моддасини, Ғулом-га 91-моддасини қўйиб суд-га ўтказди.

Янгида бу жанжал юзаси-дан суд мажлиси бўлиб ўтди. Унга Ангрэн шаҳар ҳалқ судининг судьяси Абдулла Қодиров раислик қилди. У, биринчи сўзин «энг кўп жабрланган» Ғулом Мама-товга берди. У, содда му-ғомбирлик билан: «Мен кас-салман одамман. Кра-нинг ёнига ювишни учун ке-лудим, мени уришди, деди.

— Ховлигизда қранни-гиз борми? — сўради судья.

— Бор.

— Ундай бўлса нима учун уйингизда ювинмай, кўчага чиқингиз?

— Чиқувдим-да. Кўча

дан, на у Маматовга қараш-ли бўлсин, на у Хусанга қараш-ли бўлсин, жуда-жуда эҳтиёткорлик билан, ҳар бир воқеани имкони бори-ча таҳлил қилиш йўли билан аниқлашга ҳаракат қилди. Бу таҳлилларнинг ҳаммаси-да ҳам Маматовнинг қовур-ғасини синдирадиган, бо-шини ёрадиган далиллар «қўринмади. Шунга қарамай адвокат Юсупова ўзининг саволларида ҳам, охириги нутқида ҳам ғазабнок бў-либ бироз асабийлашиб болта борлигини, Хусан Ма-матовнинг қовурғасини бол-та билан уриб синдирангли-гини исботлашга уриниб кўрди. Лекин ишонарли да-лил тополмади. Маълум бў-лишча, Маматов Ғулом бундан икки йил олдин ўз иш жойида техника хавф-сизлиги қондасига риоя қилмагани учун фалокатга учраган ва шунинг нати-жасида саккизинчи қо-

ОТАМНИНГ
ҚИЛМИШИДАН
УЯЛАМАН

ХҲРМАТЛИ редакция! Мен ушбу мактубимда отам ҳақида ёзйпман. Ҳеч ким отасини ёмон демаган. Кимда ким отаси ҳақида гап очгудек бўлса, унинг яхши фазилатлари ҳақида гапирди. Мен эса отам-нинг бўлмагур одатлари ҳақида ёзайпман.

Даламнинг ичмаган қу-ларни йўқ — ҳар қуни ишдан маст бўлиб қайтадилар. Шу сабабли уйимизда сира ҳам тинчлик йўқ. Далам уйда бўлган қуларни ҳатто телевизор қўйишга қўрқа-миз, йўқ пайтларида томо-ша қилиб оламиз. Далам ҳар гал ичиб келганларида арзимган нергалардан жанжал бошлайдилар. Ай-ниқса, акам бечорага тинч-лик йўқ: «сен фалон сўм маош олсан-у, менга кам берасан», дейдилар. Очиги-ни айтганда пул талашади-лар. Онда аъзоларимиз топ-ган ойлик маошларини да-дамга олиб келиб берганда ҳам, мендан пулнингни бер-китасан, нега кам ойлик олсан, ўтган сафар берма-динг (берилган бўлса ҳам) деб тўполон қиладилар. Кейин шу пул баҳонасида

ойим билан ади-бади айти-шиб кетадилар. Ҳатто ке-линоийм ҳам маошини да-дамга олиб келиб беради-лар. Янгида даҳанакки жанглар ростакан уришга айланиб кетишига сал қол-ди. Далам акамга, фалон пайдан бери бор-йўғи 600 сўм пул бердинг, дедилар. Акам, йўқ 800 сўм бердим, дейишларига қарамай дадам яна жанжал бошлайдилар. Далам шунда акамни ҳатто уришгача бориб етдилар. Акам «дада, мен ёш бола эмасман-ку, менинг ҳам фарзандим бор, қолаверса, укаларим, сингилларим ол-дида изза қилаверасизми?» деди. Шундан кейин дадам «кўтар кўрпа-тўшагининг» деб уйдан ҳайдадилар. Ёсай десам ҳали росаям гап кўп. Лекин одамлар нима деб уришларини? Дадасининг устидан шикоят қилибди-ку, деб устидан қулишмасми-кин? Нима қилишга ҳайрон-ман... Балки редакцияга хат ёзиб нотўғри иш қила-ётгандирман.

М. Н.

РЕДАКЦИЯДАН: хат автори исм-фамилиясини тўлиқ ёзган. Лекин биз ай-рим мулоҳазаларга бориб, унинг тақдирини ўйлаб ис-м-фамилиясини кўрсатмадик. Ўйлаيمизки, гап эгасини топади, унинг қаҳрамонлари ва уларга ўхшаш бошқа қаҳрамонлар ҳулоса чиқариб оладилар: ҳаёт фақат пулдан иборат эмас-ку?

ОДАМЛАР
САРСОН

БУГУНГИ кунда Янги-ҳаёт посёкчасига борсангиз, ташвишли манзарага дуч келасиз. Маршрутдаги автобуслар, таксилар, енгил автомашиналар темирйўл-гача бориб, сўнг орқага қайтади. Йўловчилар эса юкларини кўтариб, ниқил-лаб-сиккиллаб нариги то-монга... у томондагилар бу томонга ўтишади. Айниқса, қариялар, ёш болалар со-вуқда қийналишяпти. Саба-би — темирйўлда қурилиш ишлари бажарилмоқда.

— Темирйўл ремонтини 23 декабрда бошлаган эдик, — дейди мастер А. Шахо-биддинов. — Уни 8 кунда ту-галлаш режалаштирилганди. Лекин ҳамон қўзғилиб ётибди.

— Нима учун?

— Шағал етишмапти. Уни Янгийўл районидagi «Ўзбекстон» станцияси-дан ташиб келтиряпмиз.

Қурилиш-ремонтни Тош-кент темирйўл дистанция-си бошлаган. Уларнинг иш юртиши латифага ўхшайди: Янгиҳаёт посёкчаси тевара-гида бир эмас, икки-уч жойда шағални қайта иш-ловчи ташкилотлар ва Ан-грэн қарьери бор. Шағал эса бир неча баравар олис-дан келтириляпти. Бунинг на-тижасида йўловчилар сарсон.

У. ҲАМИДОВ

ЁНИМИЗДА
КАСАЛХОНА
БЎЛА ТУРИБ...

БИЗ Бекобод район «По-беда» колхозининг чекка қишлоғида яшаймиз. Балки шунданбир ёки бошқа са-баб билан биз томонга ҳали қайта қуриш шамоли егиб келгани йўқ. Бу шикоят хатини илгарироқ ёзишимиз мумкин эди. Бироқ фойдаси бўлармикан, деб минг хаёлга борардик. Бугун эса камчиликлар ҳақида рўй-рост ёзишга жазм этдик. Тоқайгача шу аҳволда яшай-миз?

Қишлоғимизга водопро-вод қурувлари ётқизилгани-га унча кўп бўлгани йўқ. Дастлабки 6—7 йил яхши ишлаб аҳолини сув билан таъминлаб турди-ю, кейин сув қишлоғимизнинг бош-лиқидан уёғига ўтмай қол-ди. Айниқса, аҳоли зич яшайдиган қишлоғимизнинг марказида бир томчи сув йўқ. Бу биринчиси. Иккин-чиси — колхозимиз Сир-даёб областининг Гулистон, Бобёут районлари билан девор-дармийи қўшни. Қўш-ничилик қилиб борди-келди қилишга йўлнинг чатоқлиги ишининг белига тепаяпти.

5 километрли масофага ав-тобус маршрути қўйиш муаммо бўлиб келяпти. Бу таклифимизни област пас-сажир ташуш автомобиль трети раҳбарлари ўйлаб кўришса ёмон бўлмасди.

Учинчиси — асосий: қишлоғимиздан район мар-кази — Зафар посёкчасига-га бўлган масофа 65 кило-метрини ташкил этади. Бек-обод шаҳри эса 30 кило-метр. Кўп кишилик юлхоз аҳолисида бирондасига ме-дицина ёрдами зарур бўлиб қолса Бекобод шаҳрини босиб ўтиб район маржази касалхонасига боради. Энди тасаввур қилинг: оғир дардга чалинган бемор шу-нча йўл азобини кўтара ола-дими? Агар у хомилдор аёл бўлса-чи? Област со-лиқни сақлаш бўлими мута-садилари районнинг На-вой номли ва «Победа» колхозлари аҳолисига ме-дицина хизмати кўрсатишни Бекобод шаҳар-врачларига юкланса бўлмасмикан? Ахир бир областнинг одамлари-миз-ку. Бу иш йўлга қўйил-са беморлар сарсон бўлмас-ди, медицина транспортни-нинг ҳаракати ва ҳаракати қисқарарди.

А. ҲУЖАҚУЛОВ,
Б. АХЪЗУЛАЕВ,
Улуғ Ватан уруши инва-лидлари.
Т. КҶЧИМОВ,
колхозчи.

«Ичкиликбозлик ва самогон тайёрлашга қарши курашнинг аҳоли низоҳатида ташвиш туғдирмоқда. Утган йилга нисбатан самогон тайёрловчилар сони 10 баравар кўпайди, улардан қариб 20 минг литр заҳарли ичимлик мусодара қилинди.»

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг IX пленуми материалларидан.

УЙДА ОҒУ ТАЙЁРЛАГАНЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши чоралар кучайтирилиб, бу иллатга қарши қатъий кураш олиб боришда. Лекин шунга қарамадан баъзи кишилар амалдаги тартиб ва қондаларга риоя этмай, қонунбузарлик қилмоқдалар.

Жамоатчи муҳбиримиз Ф. ЗИЕДУЛЛАЕВ Бекобод районидаги Дзержинский номи қолхоз участка инспектори, милиция капитани Муҳаммади УМРЗОҚОВ билан қолхоз территориясида бу борадаги кураш қандай олиб борилаётгани тўғрисида суҳбатлашди.

ОММА орасида ҳуқуқ-тартибот ишларини пропаганда қилишга ҳам эътибор кўчаймоқда. Биз ички ишлар бўлими барча ходимлари иштирокида партия-ҳуқуқ-маърифат қарорларини, совет қонунларини оммага тушуштириш ишларини бажараямиз; меҳнат коллективларида лекциялар ўқиямиз, кишилар билан шахсан суҳбатлашяёмиз. Бироқ шунга қарамай, ҳали ҳам амалдаги қонунларга риоя қилмаётган шахслар учраб турибди. Биргина Сретенко қишлоғида ўтказган рейд натижасида бир неча кишилар самогон тайёрлаётганини аниқладик.

Масалан, қишлоқнинг 5-кўчасида яшовчи, Ўзбекистон металлургия заводининг сирланган идишлар тайёрлаш пехида ишловчи Аминжон Жўраев ана шундайлардан бири экан. 1950 йилда туғилган бу йигит хонадонидан икки нафар самогон учун тайёрланган суюқлик (брага) топилди. У мана шу суюқликдан 3—4 литр самогон тайёрлашни мўлжаллаган. Суҳбат давомида шу нарса маълум бўлдики, у амалдаги қонун ва қоидаларни билади. Лекин билиб туриб, бундай ишга қўл урган.

Самогон тайёрлашга ҳаракат қилувчи Аминжон Жўраевнинг қисмати нима бўлди дегиси? У биринчи марта шундай ишга қўл урганлиги учун район ички ишлар бўлими бошлиғи томонидан унга 200 сўм жарима солинди. Ҳамқишлоқлари орасида юзи шувит бўлди.

Маргарита Нагаева ҳам қишлоқнинг шу кўчасида яшайди. Ёши бир жойга бориб қолган, пенсионер. У ҳам инсон саломатлигининг қўшандаси бўлган самогон тайёрлаш учун кераклик нарсаларни ҳозирлаб қўйибди. Маргарита Нагаева тайёрлаган 20 литрлик суюқлик флягаси билан мусодара қилинди. У янги йилни ҳуш-

чақчақ ўтказиш учун самогон тайёрлашга ҳозирлик кўрган экан. Ўз қилмишларидан пушаймон бўлганлиги, биринчи марта шундай ишга қўл урганлиги учун унга 100 сўм миқдорида жарима солинди. Бундан кейин ана шундай ноҳуш ишга қўл урса қаттиқроқ жазоланиши тўғрисида огоҳлантирилди.

Утган йилнинг декабрь ойида ўтказилган рейд давомида қишлоқнинг С. Почауमारов номи кўчасида яшовчи Тоҳир Салимов хонадонидан ҳам 40 литрлик бидонда 25 литрлар чамаси самогон учун ҳозирлаб қўйилган брага топилди. 1952 йилда туғилган, «Ташвод-строй»га қарашли 6-ПМКда экскаваторчи бўлиб ишлаётган Т. Салимов амалдаги қонунлардан хабари бор. Лекин бу қилмишим ҳеч кимга ошқор бўлмади деган хом ҳаёлда жиноятга қўл урган. У ҳам 200 сўм пул миқдорида жарима тўлади.

Бу шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ҳар донм бизнинг назоратимизда бўлади. Мабоодо яна шундай ҳол такрорланганидан бўлса, улар совет қонунлари асосида қаттиқ жавобгарликка тортиладилар.



Рассом шарҳи

— Бу самогон аппаратами?
— Йўқ-е, ўғлимнинг фляга аппаратами.

М. Унгаров расми.

ОБЛАСТЬ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИДА

ҲАФТАЛИК ОПЕРАТИВ МАЪЛУМОТ

● **ОХАНГАРОН РАЙОНИ.** 3-мактабнинг олтинчи синф ўқувчиси Ф. Михайлинский, 4-мактабнинг еттинчи ва саккизинчи синф ўқувчилари А. Хохлов ва В. Насоновлар 1-магазинга қарашли нон дўкони кассасидан 180 сўм пулни ўмариб кетишди. Лекин улар бу билан қаноатланмай, район матлубот жамиятининг «Мебель» салонидан ҳам мол ўғирлашди.

Район милиция ва жиноят қидирув бўлиmlари ходимларининг актив ҳаракатлари тугайли жиноятчилар қўлга олинди.

● **ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИ.** Арақнинг бир шишасини 15 сўмдан пуллаш Н. Фозиловга ёқиб қолди. Ҳам мўмай даромад, ҳам ҳаридор ахтариб юришининг ҳолати йўқ, иш жойида ҳам талабгорлар кўп.


Қинғир ишнинг қийини чиқиши аниқ. Арақфурушнинг қилмиши тез орада фош бўлди, у 94 шиша арақ билан қўлга тушди. Худди шу йўл билан бойлик орттиришни одат қилган Д. Халиловдан ҳам 26 шиша арақ топилди. Шуниси ажабланарлики, ҳар икки жиноятчи ҳам арақни 20-магазиндан олиб туришар экан.

● **ОХАНГАРОН ШАҲРИ.** Эивали махсус темирбетон буюмлари комбинати

ишчиси В. Лутов коллективдошларидан пресловчи С. Ким, пайвандчи В. Катманов, газ электр пайвандчи Н. Кузин, ишчи М. Кузнецовларни уйига меҳмондорчиликка таклиф этиб, энгиз фатни қуюқ қилди. Ортиқча ичкиликбозлик, табиики, улфатлар ўртасида жанжал келтириб чиқарди. Олдин жанжал аввалига мушлага шунга айланди, кейин пичоқбозлик бошланди. С. Ким, Н. Кузиннинг бўйинига пичоқ тортиб юборди. Жароҳат жиддий бўлганлиги учун у шу ердаёқ ҳаётдан кўз юмди. В. Катманов ҳам бошидан пичоқ еб, касалхонага тушди.

В. Лутовнинг онаси М. И. Лутова эса маст-аластлар ўртасидаги муштлашув ва пичоқбозликни кўриб даҳшатдан юраги ёрилиб ўлди. Ичкиликбозлик ана шундай оғир форма билан аяқланди.

БЕКАТ ДЕЙИШГА ТИЛ БОРМАЙДИ



ФОТОАЙБНОМА



Суратларда: (юқорида) эски бекат ва (пастда) янги бекат.

УН МАРТА эшитгандан бир марта кўрган яхши, деган нақл бор. Ана шу нақлга амал қилиб Бўстонлиқ районининг Хондайлик қишлоғи марказидаги «Чирчиқ — Хондайлик» маршрути бўйлаб қатнайидиган автобус бекатлари акс этган мана бу расмларни эътиборингизга ҳавола қилаёلمиз.

Инсоф билан айтинг-чи, мана шу, суратда кўриб турганингиз шу бостирмани автобус бекати деса бўладими! Тўқилиб кетай, деб турган бу чордеворхонани бундан ўн уч йил муқаддам қишлоқ аҳолисининг ўзи ҳашар йўли билан тиклаб қўйган эди. Чанда пастдаги уч тарафи тунука билан ярим ўралган чайлануша бостирма ҳам бекат деб аталади. Аслида атрофлари ифлос, ташландик жойга ўхшайди. Буниси ҳам майли. Ёз кўнлари тунука қизиб кетган пайтларда бу ерда автобус кутиб бўлармиди!

Наҳотки, Хондайлик қишлоқ Совети, Калинин номи қолхоз раҳбарлари бу аҳолини кўра-била туриб, томошабин бўлиб юрaverишса. Аҳоли учун дурустроқ бекат қуриб бериш шунчалик мушкулми? Бу саволга қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси Одил Қодиров қовоғи тушиб, «Бизда маблағ йўқ» деб жаваб берса, қолхоз раиси Риксим Қорабоев бепарволик билан «Бекат учун маблағ ажратмаганмиз» деб баҳона қиладилар.

Н. ГУЛМАТОВ,
Х. БОБОЖОНОВ,
студентлар.

ТОШКЕНТ шаҳар халқ суди жиноят ишлари бўйича коллегияси ака-ука Ҳасан билан Хусан Абдувоҳидовларнинг жиноят ишларини кўриб чиқиб, ҳар бирини ўн икки йилга озодликдан маҳрум этиш, жазони қаттиқ режимдаги меҳнат алоқ тўзатиш лагерига ўтатиш, уларга тегишли мол-мулкни давлат фойдасига мусодара қилиш ҳақида ҳукм чиқарди. Шаҳар судининг бу ҳужумини Ўзбекистон ССР Олий суди ўз кучида қолдирди.

Хўш, нега шундай бўлди? Шунчалик жазога лойиқ бу эгизаклар қандай хонадонда тарбия топиб, униб-ўсишган? Улар қандай жиноятга қўл уришган?

Абдувоҳид аканинг ҳар бири 33 баҳорни кўрган, бу

эгизак фарзандлари бирга қилган жиноятлари учун бита қора курсида ўтириб, қилмишларига жавоб беришяпти. Афсуски, уларнинг қора курсига биринчи ўти-

олиб чиқиб кетдилар. Аммо ўғирлик орқали қилинган кейф-сафо узоққа бормади. Сир очилди, ҳақиқат қарор топди.

Суд мажлиси давомида

қилиб ўтирган отага беихтиёр разм соламиз. У юзини кафтлари билан тўсиб, ерга қараганча, унсиз йилларди. Эҳтимол, у ўз эгизакларининг бўй-баста, шўх хатти-ҳаракат-

жиноятчи бўлиб туғилмайдди. Унинг ким бўлиши, келажати, аввало оила муҳитига, ота билан онанинг тарбиясига, қолаверса, кенг жамоатчиликнинг таъсирига боғлиқ. Ахир бу эгизаклар тўсатдан текникхўр, жиноятчи бўлиб қолишмади-ку? Шундай экан, улар яшаган Сергели район Чош-тепа маҳалла активлари, Ҳасан билан Хусан ишлаган «Ташпромстрой» ва СМЗ ташкилотлари коллектив нима учун уларнинг қинғир йўлга кириб бораётганларига бефарқ қарадилар, вақтида тергамадилар, коллектив ўртасида очиқ муҳокама қилмадилар? Агар жамоатчилик активлик кўрсатганида жиноятчиликнинг олди олинган бўларди.

А. ШАЙХОВ

ЭГИЗАК ТЕКИНХЎРЛАР

ришлари эмас. Олдин ҳам бири безориликда, иккинчиси ўғирликда айбланиб, судланган. Жазони ўтаб келиб, навбатдаги йирин жиноятга биргаликда қўл уришди.

Эгизак текинхўрлар Чош-тепа кўчасидаги «Узглав-

сбистсиаб» базисига ўғирликка тушиб, жами 43 минг 104 сўмлик 368 дона мўйнали келтирилган ашёвий далил-лар, гувоҳларнинг кўрсатмалари текинхўр эгизакларнинг сир-асрори, есл маънавий қиёфасини тобора ойдинлаштириб борарди, кўпчиликда эса нафрат уй-фотари. Суд залида ўзи «тарбиялаб» ўстирган фарзандларининг «рахмат» келтираётганларидан бошини ҳам

ларига маҳлиё бўлиб, уларнинг тарбиясидан беҳабар қолгани учун ўзини ўзи койиётгандир. Эҳтимол текинхўр, эгриқўл бўлиб еттишган фарзандларининг тақдирини олдида вақти келиб бунчалар азоб чекишини ўйлаб ҳам кўрмаганидан афсусланаётгандир.

Ҳа, тўғри. Ҳеч бир фарзанд



भारतीय विज्ञान प्रतियोगिता

ХИНДИСТОН БИТАН УЧРАШУВ



«Ешлик» маданий-спорт комплексиди «Хиндистон» фан-техника тараққиётига оид кўргазма очилганлиги ҳақида илгари хабар қилган эдик. Шу кунларда виставка шахримиздаги энг гавжум жойлардан бири бўлиб қолди.

Айниқса, кўргазманинг «Болаларни билимга ўргатадиган ўйинлар» бўлимини мактаб пионер ва

ўқувчилари, педагоглар зўр қизиқиш билан томоша қилмоқдалар.

Бу ерда яшанба кунлари болалар учун ўтаётган тадбирлар, айниқса, диққатга сазовор бўлмоқда. Қўйидаги лавҳалар ва суратлар болалар бўлими фаолиятига бағишланади.

Ҳар кун бу кўркем бинодан бой таассуротлар билан чиқаётган томошабинлар орасида болалар ҳам кўпчилигини ташкил этади. Улардан бири — Киров райониди 150 ўрта мактабнинг 5-синф ўқувчиси Дониёр Муҳаммаджоновни мультфильм кўрсатаётган

ЎЙИНЧОҚҚИНА ЭМАС

компьютер олдида учратдик. У телевизорнига ўхшаш экранда чаққон ҳаракатланаётган митти суратларга қараб завқланарди.

— Ана энди мана бу тутмачаларни босиб, кинони ўзинг кўравер, — деди болаларни илмга қизиқтирадиган ўйинлар бўлимининг масъул ходими М. К. Шридхар, — кейин учаётган шарни бир зум тўхатиб қўядиган ўйинчоққа ўтишинг мумкин.

Дониёр клавишларни босишга тушиб кетди. Энди унинг ҳамроҳлари кўпайган эди. Собир Раҳимов райониди 191-ўрта мактаб ўқувчиси Юля Мирзаалиева бир гуруппа ўртоқлари билан келиб қолди. Кинодан кейин болалар мутахассис ёрдамида компьютерга саволлар бериб кўришди. Кейин улар тинмай рақсга тушаётган «Маятник», ажойиб товуш чиқариб тебранаётган шарчаларни ўйнаб физикадаги қайси қонунга тўғри келиши ҳақида бир-бирлари билан фикр алмаша бошладилар...

Виставканинг методисти Вера Степановна Агеева бўлим ҳусусияти билан бизни яқиндан таништирди. Бу ерда ўттизга яқин ўйинчоқлар намоиш этилмоқда. Уларнинг ҳар бири математика, физика, астрономиянинг қайсидир қонун-қоидалари асосида тайёрланган. Ўйинчоқлар болаларни қизиқтириб билимга ҳавас уйғотди. Вилиб олинган темаларни эса мустаҳкамлайди.

Кўргазмада Алина Казначеева, Мўмин Мамадалиев каби малакали таржимонлар, Татьяна Яицкая, Евгения Шеина сингари экскурсоводлар томошабинларга актив хизмат кўрсатишмоқда.

Мактаб ўқувчилари бу ер

да ҳаммадан ҳам кўпроқ Нина Семёновна Павлова билан дўстлашиб кетдилар. У ўқувчилар учун кўргазмада турли концертлар, ҳар хил мусобақалар ташкил этишининг ташаббускори бўлмоқда. Бундай тадбирларда ўқитувчилар, ота-оналар ҳам актив иштирок этишмоқда.

ЭЛЕКТРОН ШАХМАТ

Ўтган яшанба кун Хиндистон тадқиқотчилари кашф этган электрон шахматлар кўргазмаси учун ажратилган жўр томошабинларга тўлиб кетди. Бу ерда ўз шогирдларини бошлаб келган шахмат бўйича СССР спорт мастери А. Ш. Мкртчян бироз ҳаяжонда. Бунинг боиси бор. Унинг кичик издошлари — республикаимиз пионерлар саройи шахмат тўғрагининг аъзолари электрон шахматларда биринчи бор куч синашди. Ҳар ҳолда бу ўзи учун ҳам, болалар учун ҳам янгилик.

Алла Шагеновна турнирда қатнашадиган пионерлар рўйхати билан томошабинларни таништирди. Иккинчи — олтинчи синф ўқувчилари Юра Семенов — Нурлибек Укубаев, Армен Саакян — Қахрамон Маждидов, Баҳодир Маждидов — Феруза Бурхонова, Шўҳрат Бурхонов — Саидкамол Абдуразоқовларнинг шахмат муҳлислари қизгин кутиб олишди.

Тантанали тадбирни кўргазма директори доктор Джадиди Нарайин Консал қисқача нутқ билан очди.

— Азиз томошабинлар, — деди у, — мана бир неча кундирки, Хиндистон фани ва техникаси эришган ютуқларни биз учун ҳам сеvimли бўлиб қолган Тошкентда намоиш этилмоқда. Қисқа муддат ичида уни минг-минглаб кишилар кўришди, десам муболага бўлмайди.

Бугун виставкада болалар ўртасида электрон шахмат бўйича мусобақа бошланмоқда. Бу тадбир муносабати билан унинг иштирокчиларини табриклайман, ўйинчиларга зафарлар тилайман.

Шахмат мусобақаси бир неча кун давом этади, — дея тушунтиради бизга таржимон А. В. Казначеева, — бу шахматни узокдан туриб телефон орқали ҳам ўйнаш мумкин. Москва, Ленинград

ришмоқда. Эртага шахмат ишқибозларини охириг турга тақлиф қилмоқчиман. Улар ким ғолиблигини билиб кетишадилар. Фурсатдан фойдаланиб, ана бир нарсани айтмоқчиман. Республика пионерлар ўйинининг шахмат тўғрагига болалар олти ёшдан бошлаб қатнашиши мумкин. Ҳозирги турнир иштирокчиларини ана шу ёшдан қабул қилганмиз. Уларнинг кўплари юқори разрядларга эга бўлишди.

— Алла Шагеновна, телефон қилганингиз учун раҳмат, миннатдоримиз.

да ўтган турнирлар жуда завқли бўлди. Очинг байрамга айланиб кетди. Бу ерда ҳам шундай бўлади.

Ҳа, мусобақа байрамона бошланди. Унинг руҳи тошкентлик болалар қалбида ҳам, кўргазма ташкилотчилари дилида ҳам узок йиллар сақланади.

ТУЗАЛАДИМИ, БОБОЖОН?

Нуроний отахон Азим Эгамбердиев билан кўргазмага кираверишда танишиб қолдик. Унинг ёнида набиралари Олмос ва Гули.

— Тез биз билан бирга борасиз, — деб қўйишмади. келаямиз, деди отахон мамнунлик билан.

Кейин улар залларни айланиб кетишди. Ҳар хил рангли, рангсиз телевизорлардан ҳинд фильми кўрсатилаётган жойда булар билан тасодифан яна учрашдик. Кинони биргалишиб томоша қилар эканмиз, экранда қизиқ бир кадр пайдо бўлди. Паҳлавон ҳинд йигити баҳайбат бир ҳарсангги ўрнидан силжитишга киришди. Тош ниҳоятда оғир. Мард ўғлон энди уни жойидан қўзотган эди ҳамки, кучи етмай ҳарсанг уни босиб қолди. Ёнида умр йўлдоши атрофдагилардан ёрдам сураб дод солади. Одамлар узоқда эдилар. Товушни эшитиб югура бошлашди. Шунда Олмос билан Гулининг қиёфасини кузатдим. Чехралари бир пасда тунд бўлиб қолди. Ана, одамлар ҳам етиб келишди. Тош остидан йигитни кутқаришди. Болалар қиёфаси равшанлашди.

— Ҳайрият, — деди Азим ота энгил нафас олиб, — омон қолбди.

Тузалиб кетадими, буна? — суради Олмос.

— Тузалади, тузалади, — жавоб берди у.

— Ростдан Ҳам тузаладими, буна, — қайта суради Гули.

— Албатта.

Улар бошқа зал бўйлаб кетишди. Мен ҳаёга толмаман. Бобо набираларининг қалбидаги одамийлик фазилатларига қўйил қоламан. Ҳа, чинакам инсонийлик, дўстлик масофа билмайди. У ҳаммича ҳар ерда қайноқ меҳр билан жилолланаверади.



Кўргазма залларидан лавҳалар.

М. Назаров фотолари.

ТЕЛЕФОНДА: АЛЛА МКРТЧЯН

— Редакциями?

— Редакция.

— Электрон шахматда иштирок этётган болаларнинг ўйин натижалари билан таништирмоқчим эдим.

— Марҳамат.

— Ҳозир тўрт имкониятдан тўрт очко олган Шўҳрат Бурхонов биринчи, уч очко олган Саидкамол Абдуразоқов иккинчи ва 2,5 очко олган Армен Саакян учинчи ўринда бо-

ТАКЛИФЛАР, ИСТАКЛАР

Кўргазмада томошабинлар учун махсус мўлоҳазалар альбому мавжуд. Унинг варақлари турли касб эгаларининг виставка ташкилотчиларига миннатдорчиликлар, истаклари билан тўлдирилган. Пионер ва ўқувчиларнинг дил сўзлари ҳам анчагина. Улар «Мириқиб томоша қилдик», «Роса қизқарли», «Бу ердаги ҳамма

нарсга бизда ҳавас уйғотди» сингари фикрлар билан бирга, келгусидаги кўргазмаларда Хиндистон мактабларидаги болалар ҳаёти, ўқитиш, ҳунарга ўргатиш тартиблари ҳақида кенгроқ маълумот берадиган экспозицияларни кўпайтириш тўғрисида ўз истаklarини билдирганлар.

Электрон шахмат мусобақасига ўртоқлари ўйинини кузатгани келган Гулнора, Радик, Фариддинлар билан таассуротлари ҳақида гаплашганимизда бу шахматнинг келиб чиқиши,

ким яратгани, қачон ўрганила бошлагани тўғрисида рус ва ўзбек тилларида болаларбоп китобча тайёрланганда ана ҳам яхши бўларди, деган фикрларини айтдилар.

— Бу гапларнинг ҳаммаси ўринли, — дейди виставканинг Совет томонидан директори Владимир Игоревич Овчаров, — келгусида, албатта, ҳисобга олинадилар.

С. ҲАСАНОВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Душанба

● MT-1

 MT-II

УЗТВ

Сешанба

 MT-I

MT-II

Y3TB

Чоршанба

 MT-1

MT-II

Y₃TB

Пайианба

18 февраль

● MT-II

УЗТВ

Жума

 MT-1

MT-II

● Y₃TB

Шанба

20 февраль

MT-1

● MT-II

● Y3TB

Якушанба

● MT-1

MT-II

УЗТВ

18.00 Душанба кўрсатади.

СПОРТ

СПОРТ

СПОРТ

СПОРТ



Бир ойдан сўнг футбол бўйича мамлакат 51-чемпионати старт олади. Унда областимиз шарафини иккинчи лигада Халқободнинг «Соҳибкор», Олмалиқнинг «Металлург» ҳамда Тошкентнинг «Трактор» командалари ҳимоя қилишади. Қўйида «Соҳибкор» командаси катта тренера Григорий Цейтлин билан команданинг мавсумга тайёргарлиги, унинг составидаги ўзгаришлар ҳамда режалари ҳақидаги суҳбатни ҳавола этамиз.

— Григорий Семенович, маълумки, «Соҳибкор» ўтган йилги мавсумда муваффақиятсиз иштирок этиб, ҳатто кучли ўнликка ҳам кира олмади. Сиз бундан қандай изохлайсиз?

— Дарҳақиқат, ўтган йили команدامиз мамлакат 50-чемпионатига ёмон ўйин кўрсатиб, ўн биринчи ўринни эгаллади. Бунинг турли сабаблари бор. Мавсум бошлангичидан бир неча кун илгари

ФУТБОЛ МАВСУМИ АРАФАСИДА

«СОҲИБКОР»НИНГ ЯХШИ НИЯТИ

бир қатор етакчи ўйинчиларимиз — Низом Нортониев, Тўра Шоймардонов, Олег Синелобов, Қодир Иброҳимовлар бошқа командаларга ўтиб кетишди. Шу мавсумда уч бор тренерлар ўзгарди. Бунинг оқибатида командада интизом бўшашиб кетди. Биз ўйинчиларнинг яхши ўйнашини талаб қилиш ўрнига ялина бошладик. Бу эса маълум даражада муваффақиятсиз иштирок этишимизга таъсир қилди. Мавсум тугагач, биз команда бош тренера Вадим Кузьмич Сапожников билан йўл қўйилган хатоларни таҳлил қилиб чиқдик. Бундан керакли хулосалар чиқардик. Айни кунда футболчилар билан ана шу камчиларга барҳам бериш устида иш олиб бормоқдамиз.



Суратларда: «Соҳибкор»чилар машғулот пайтида. А. Зуфаров фотолари.

— Григорий Семенович, команданинг мавсумга тайёргарлиги ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Ўтган йилнинг декабри ойдан тайёргарлик ишлари бошлаб юбордик. Медицина кўригидан ўтгач, Халқободда кучларни тиклаш босқичини ўтказдик. 4 январдан бошлаб эса ўқув-тренировка машғулотларига киришдик. Стадионимизда кўнига уч мартаба машқ қилдик. Ана шу даврда бир қатор ўртоқлик ўйинларини ҳам ўтказдик. Жумладан, Новокузнецкнинг «Металлург» командасини қабул қилиб 1:2 ҳисобида мағлубиятга учраган бўлсак, Самарқанднинг «Динамо» командасини 3:1 ҳисобида енгдик. Шундан сўнг Усмон Юсупов хотира совринида иштирок этдик. Бу турнирдан қўзланган асосий мақсад команда составини сновдан ўтказиш эди. Қуни кеча Қибрайда Арманистоннинг «Карабах» командаси билан учрашдик. Уйинда 3:2 ҳисобида команدامиз ғолиб келди. Ҳозир «Пахтакор» хотира турнирига тайёргарлик кўраётимиз. У 20 февралда бошланади.

— Командадаги ўзгаришлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Дарвозабон И. Юркевич, ўйинчилардан В. Жилкин, В. Абрамов, С. Бауэр, С. Салимжоновлар бошқа клубларда ўйнаш истагини билдирдилар. В. Калугин эса саломатлиги туфайли командани тарк этди. Уларнинг ўрнига «Пахтакор» командасидан С. Разаматов, И. Иванов «Трактор»дан Т. Шоймардонов, «Косонсой»дан Ф. Эсонбоев, Ангреннинг «Шахтёр» командасидан А. Қобилов, Куйбисевнинг «Крилья Советов» командасидан А. Кочергинларни қабул қилдик. Шунингдек, йигитларимиз билан бирга маҳаллий спорт мактаби тарбияланувчилари М. Абдуназаров, Қ. Маъруфалиевлар мавсумга тайёргарлик кўришмоқда.

— Бу йилги режаларингиз қандай?

— Мақсадимиз илгариги мавқени тиклаб, ўтиш ўйинларида иштирок этишдир.

МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНЛАРИ

● **ВОЛГОГРАДДА** енгил атлетика бўйича СССР чемпионати мусобақалари давом этмоқда. 60 метрлик масофага тўсиқлар оша югуришда тошкентлик Сергей Усов 7,69 секунд натижа кўрсатиб, чемпионлик шохсупасига қўтарилди.

Лангар билан сакровчилар мусобақаси қарийб уч соат давом этиб, бунда ҳам тошкентлик Валерий Ишутин биринчи бўлди. У 5 метр 70 сантиметр баландликдан ошиб ўтди.

ЧАНҒИЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

● **БЕЛДИРСОЙДА** чанғичиларнинг мусобақаси давом этмоқда. Навбатдаги турда 1300 ва 260 метр баландликдан 39 тўсиқни босиб ўтиш бўйича аёллар баҳси кескин тўс олд. Ригалик Улла Лодзине иккинчи ҳаракат жўнига кўра биринчи бўлди. Петропавловск—Камчатскилик Варвара Зелинская ғолибга секунднинг юздан 22 бўлагини ютқазиб иккинчи бўлди. Ольга Логинова эса учинчи ўринни эгаллади.

БУГУН ВА ЭРТАГА

● **ТОШКЕНТ.** Республика шахмат-шашка клубида бугун ва эртага халқаро шашка бўйича аёллар ўртасида Ўзбекистон IX чемпионати мусобақалари ўтказилади.

Митрофанов номли сув спорт саройида эса сув полиси шикибозлари 1970—1971 йилларда тугилган ўсмирлар ўртасида республика биринчилиги мусобақаларини томоша қилиш имконига эгадирлар. Мусобақалар соат 11.00 да бошланади.

Теннис бўйича ўсмир ва қизлар ўртасида Ўзбекистон кубоги мусобақалари Тошкентдаги «Динамо» теннис саройида бўлиб ўтади.

● **БУСТОНЛИҚ РАЙОНИ.** Ҳазалкунда 1970—1971 йилларда тугилган ўсмирлар ўртасида республика биринчилиги мусобақаларини томоша қилиш имконига эгадирлар. Мусобақалар соат 11.00 да бошланади.

Теннис бўйича ўсмир ва қизлар ўртасида Ўзбекистон кубоги мусобақалари Тошкентдаги «Динамо» теннис саройида бўлиб ўтади.

● **БУСТОНЛИҚ РАЙОНИ.** Ҳазалкунда 1970—1971 йилларда тугилган ўсмирлар ўртасида республика биринчилиги мусобақаларини томоша қилиш имконига эгадирлар. Мусобақалар соат 11.00 да бошланади.

ларда тугилган қизлар шоссё велоспорти бўйича Ўзбекистон биринчилиги учун пойга ўйнайдилар.

● **БЕКОВОД.** Шанба ва якшанба кунлари Гагарин паркида Майна Ҳасанова хотираси учун кросс мусобақалари ўтказилиши режалаштирилган. Бу мусобақаларда шаҳардаги барча ташкилот ва корхоналар меҳнатнашлари, ҳунар-техника билми юрти ўқувчилари иштирок этишади.

Турнир шанба кўни соат 15.00 да, якшанба кўни эса 11.00 да ўтказилади.

● **ОЛМАЛИҚ.** Октябр 40 йиллиги номли стадион спорт заллида қўл түпи бўйича Андижон, Наманган, Фарғона, Навоий, Олмалиқ ҳамда Тошкент командалари иштирокида Ўзбекистон чемпионатининг биринчи тури бўлади. Ўйинлар соат 11.00 да бошланади.

КАЛГАРИДА МАШҲАЛА ЁҚИЛАДИ

● **БУГУН** Калгарида XV қишки олимпиада мусобақалари машғулоли порлайди. Хоккейчилар олимпиада ўйинларини бошлаб беришади. 28 февралда давом этадиган қишки ўйинларда 10 спорт тури бўйича 57 мамлакатдан келган 2 мингга яқин спортчилар баҳс юретадилар.

Совет спортчилари қишки олимпиада ўйинларида 1956 йилдан бери қатнашиб келишмоқда. Улар биринчи марта Италиянинг Кортина д'Ампеццо шаҳрида бўлган мусобақаларда иштирок этиб, 7 та олтин, 3 та кумуш ва 6 та бронза медалига сазовор бўлишган эди. Спортчиларимиз қишки олимпиадаларда жами 67 та олтин, 48 та кумуш ва 50 та бронза медалларини қўлга киритишган.


Бу сафар улар неча медалларга сазовор бўлишаркин?

«ОЛИМПИАДА» ЦИКЛОКРОССВОРДИ

Хўрматли газетхон! Ушбу циклокроссворд жавобларини шаклда белгиланган хонадан бошлаб соат милли йўналишида рақамлар атрофига ёзинг.

1. XV қишки олимпиада ўйинлари маркази. 2. Чанғида пойга ва милтдада отиш турларини ўз ичига олган икки курашли қишки спорт мусобақаси. 3. Тоғ-қор спортлари жоми. 4. Бирор спорт тури мусобақаси ғолиби. 5. Музда ўтказиладиган спорт тури асбоби. 6. Жуфт бўлиб, конькида фигурали учиб бўйича жаҳон ва олимпиада ўйинлари чемпиони, таниқли совет аёл спортчиси. 7. Маълум бир нормадан ошган энг юқори натижа. 8. Японияда ўтказилган XI қишки олимпиада ўйинлари маркази. 9. «Калгари-88» рамзий тимсолларидан бирининг номи. 10. Спорт иншооти. 11. Таниқли хоккей дарвозабони, жаҳон ва олимпиада ўйинлари чемпиони. 12. Навбатма-навбат ўтказиладиган спорт мусобақаси.

Ф. ОРИПОВ тузган.



Редактор
Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

(«Ташкентская правда»)
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов

Издаётся на узбекском языке
Редакция адрес:
700083, ГСП, Ташкент,
Ленинград кўчаси, 32

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитети
нашриятининг Меҳнат Қизил
Байроқ ордени
босмаханаси. Тошкент шаҳри.

Индекс: 64684.
Р. 09595. А. 1544.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12